

Мисрдаги мавлид тадбирида 324 та қори тақдирланди



17:05 / 26.11.2018 2449

Мисрнинг Ахалия шаҳри марказидаги Мит Сальсиль шаҳрида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд ойлари муносабати билан ташкил этилган мавлид маросимида кўплаб ёш ҳофизи Қурон вакиллари қатнашди. Бу ҳақда IQNA хабар бермоқда.

1500 дан ортиқ киши иштирок этган мазкур тадбир жуда ҳам қизиқарли ва таассуротларга бой бўлди. Мусобақа якунида 324 та қорига махсус совғалар ва ҳар бирига 26 минг миср фунти ҳадя тариқасида берилди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**